Банд шаҳарчасини сув билан таъминлаш тизимини лойихалаш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш тизимини ишлаб чиқишни ҳисоблаш ишларига асосланган ҳолда техник-иқтисодий кўрсаткични аниқлаймиз. Бунда сув таъминоти ва оқава сув тармоғини қурилиш ҳаражатларини тармоқнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичи унинг таннархини аниқлаб қулай вариантни танлаш лозим бўлади. Қурилиш ҳаражатларини иқтисодий қулай бўлиши учун у ердаги қурилиш ишларини осонлаштириш, ошиқча ҳаражатларни камайтиришдан иборат. Сув таъминоти ва оқава сув тармоғини қуришда қурилиш ҳаражатларини камайтириш учун қувур диаметрини техник иқтисодий кўрсаткичлари бўйича танлаш қувурларини ётқизилиш чуқурлигини минимал танлаш зарур. Қувур диаметрини танлашда қувурнинг сув ўтказиш хусусиятини ундаги сув тезлигини ҳисобга олган ҳолда танланилади.

Қувурнинг ётқизилиш чуқурлигини минимал қийматини танлашда ернинг музлаш қатлами ва ташқи механик таъсирларни инобатга олиш зарур. Ишнинг нархини ҳисоблашда ўртача чуқурлик қабул қилиб олинади. Сув таъминотида техник иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда ҳар бир лойиҳа ўзига яраша иқтисодий кўрсаткичлар билан фарқ қилади.

Қурилиш ўзининг иқтисодий самарадорлиги, тез қуриб битказилиши, кам харжлиги билан характерланади.

Банд шаҳарчасини сув билан таъминлаш тизимини лойихалаш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш тизимини ишлаб чиқишда юқоридаги шартларни эътиборга олиш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳада тармоқланган тизим танланди. Бу усулда халқасимон тармоққа нисбатан анча кам қувур ишлатилади. Бу эса қувурларни улашдаги кўпдан- кўп меҳнатни тежайди. Аммо бу схеманинг

иждобий томони билан бирга салбий томони ҳам бор. Бу, асосан сув таъминотида нотекислик келтириб чиқаради. Лекин лойиҳаланаётган объект унчалик катта бўлмаганлиги сабабли бунинг салби оқибатлари ҳам, турли вариантларни таққослашда умумий ҳаражатлар капитал қўйилмалар бирлик ўлчамига келтирилади. Тузилган меъёрий коэффициент ёрдамида иқтисодий самарадорлик аниқланади.

Ҳар бир вариант учун сарфланган ҳаражатлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C = \Delta + E_H * k \quad (1)$$

Бу ерда, Δ – мазкур вариант учун эксплуатация ҳаражатлари, сўм. E_H – капитал қўйилмаларнинг самарали бўлишининг меъёрий коэффициенти бўлиб, халқ хўжалигида 0,12 дан кам бўлмаслиги лозим, яъни:

$$E_H \geq 0,12 \quad (2)$$

k – оқова сув тармоғини қуриш учун капитал қўйилмалар буни иншоотнинг умумлашган баҳосига қараб таққослаб олинади, ёки ўхшаш объектга нисбатан олинади. Агар оқова сув тармоғи учун бош лойиҳада махсус кўрсатма берилмаган бўлса, $E_H = 0,12$ деб олинади, бу ҳолда ўз-ўзини қоплаш муддати 8,5 йилни ташкил қилади. Агар қуриладиган иншоот янги техника-технология тадқиқотчилик ва рационализаторлик асосида олиб борилса, $E_H = 0,15$ деб қабул қилиш таклиф этилади. Агар таққосланаётган вариантлар учун турли муддатларда маблағ сарфланадиган бўлса, ёки оқова сув таннархи турлича бўлса, ёки ўзгариб турса, у ҳолда қуйидаги формуладан ҳисоблаш мумкин, яъни базис йил учун

$$K_p = K_t * 1 / (1 + E_{HP}) * t \quad (3)$$

Бу ерда K_p – базис йили учун келтирилган ҳаражатлар, сўм/йил. K_t – йилдаги таклиф қилинган қурилиш ҳаражати; t – бажарилиш даври йиллар. E_{HP} – турли

вақтдаги ҳаражатлар учун меъёрий ҳаражат бўлиб, буни $E_{НР} = 0,8$ деб олиш мумкин.

Капитал маблағ сарфларитармоқнинг эксплуатацияси даврида тезроқ ҳаражати қоплаши керак.

Қўшимча маблағ сарфини камайтириш учун эксплуатацион ҳаражатлар даврини қисқартириш керак. Бу муддат қуйидагича аниқланади:

$$T = \frac{k_1 - k_2}{\varepsilon_2 - \varepsilon_1} \quad (4)$$

Бу ерда k_1 ва k_2 вариантлар бўйича капитал ҳаражатлар, (сўм) ε_1 ва ε_2 ҳар йилги эксплуатацион сарфлар, сўм/йил.

Оқова сув ва сув тармоғининг ётқизилиши уларнинг диаметри, ётқизилиш чуқурлиги ва қувур материалига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Юқоридаги жадвалга асосан, қувур диаметри қанчалик кичик бўлса сарф ҳаражатлар шунчалик кам бўлади, аммо қувур диаметрининг минимал диаметри ундаги максимал сув сарфи ва сув тезлигига боғлиқ ҳолда танланади. Қувур чуқурлиги эса музлаш қатламидан чуқур ва бу чуқурликларга механик кучлар таъсир этмайдиган бўлиши зарур. Бундан ташқари оқова сув тармоғи қувурлари етарли қияликда ётқизилиш керак. Бу эса қувурнинг ётқизилиш чуқурлигини ортишига олиб келади. Йил учун ажратиладиган эксплуатация сарф-ҳаражатлари қуйидагича аниқланади:

$$\varepsilon = a+b+v+g+d+e \quad (5)$$

$$\varepsilon = 167267840+41816960+16726784+43489638,4+269301222,4+296231344,6=296231344,6 \text{ сўм}$$

Бу ерда, а –электр энергияси ва ёқилғи учун сарфлар, материал ва реагентлар ҳаражатлари, шу билан бирга, б –ишлаб чиқариш ходимлари учун иш ҳақи сарфи, в– транспорт ҳаражатлар, г –бошқа ҳаражатлар сарфи, д- Жаи тўғри ҳаражатлар, е –кўзда тутилмаган ҳаражатлар сарфи. Электр-энергия ва ёқилғи ҳаражатлари

сарфига барча турдаги электр энергия ва ёқилғи сарфлари киради. Иситиш учун ёки ёритиш учун сарфланган электр энергия ва ёқилғи бу сарфга кирмайди. Булар цех ва умумий фойдаланувчилар ҳаражатига киради. Аммо оқава сувни узатувчи насос станциясида ва насос станцияси учун сув ҳайдашда сарфланган энергия сарфи, электр – энергия ва ёқилғи ҳаражатларига киради.

Бу ерда, а – электр энергияси ва ёқилғи учун сарфлар, материал ва реагентлар ҳаражатлари, шу билан бирга, б – транспорт ҳаражатлар, в – цех ва бошқа ҳаражатлар сарфи, г – кўзда тутилмаган ҳаражатлар сарфи. д – ишлаб чиқариш ходимлари учун иш ҳақи сарфи,

Электр-энергия ва ёқилғи ҳаражатлари сарфига барча турдаги электр энергия ва ёқилғи сарфлари киради. Иситиш учун ёки ёритиш учун сарфланган электр энергия ва ёқилғи бу сарфга кирмайди. Булар цех ва умумий фойдаланувчилар ҳаражатига киради. Аммо оқава сувни узатувчи насос станциясида ва насос станцияси учун сув ҳайдашда сарфланган энергия сарфи, электр – энергия ва ёқилғи ҳаражатларига киради.

Ҳаражатлар қуйидагиларнинг йиғиндисидан иборат бўлади:

Иш ҳақи фонди, реагент ва бошқа материаллар қиймати, ташкилий ҳаражаталари, электр-энергия ва ёқилғи ҳаражатлари қиймати. Самарали ва қулай вариант бўйича танланган оқава сув тармоғи бўйича қуйидаги техник иқтисодий кўрсаткичлар аниқланади:

- А) объект бўйича ажратилган капитал қурилмалар;
- Б) иншоотнинг асосий бўғинлари коллекторлар ва тармоқлар;
- В) солиштирма капитал қўйилмалар (бир метр куб оқава сув сарфи учун);
- Г) объект бўйича йиллик эксплуатация ҳаражатлари;

Полиэтилен қувурларни қўллашда техник иқтисодий баҳолаш кўзда тутилган ҳаражатлар минг метр узунликдаги қувур учун қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Pi = \Pi_c + \Pi_\varepsilon \quad (6)$$

бу ерда, Π_c -қурилиш ҳаражатлари, Π_ε –эксплуатация ҳаражатлари.

Қурилиш учун сарфланадиган ҳаражатлар, қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\Pi_c = (\Pi + C_T) k_{om} * k_{zc} \quad (7)$$

$$\Pi_c = (167267840 + 16726784) 1.02 * 1.025 = 192366379,4 \text{ сўм}$$

Бу ерда, Π – қувур, унинг деталлари нархи,

C_T – қувурларни ётқизилиш жойигача ташиш учун транспорт ҳаражатлари.

k_{om} – қувурларни монтаж қилишдаги чиқинди сарфи коэффиценти,

k_{zc} – тайёрлаш ва омбор ҳаражатларини ҳисобга олувчи коэффицент ($k_{zc} = 1.02$).

Транспорт ҳаражатлари (C_T) транспорт қилиш схемаси, юклаш, тушириш усулларига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Қувурларни монтаж қилиш давридаги чиқинди сарф коэффиценти пўлат қувур учун $k_{om} = 0.026$, босимли чўян учун $k_{om} = 1.02$, полиэтилен қувур учун $k_{om} = 1.025$ га тенг.

Эксплуатация ҳаражатлари Π_ε да қатор комплекс ҳаражат ҳисобга олинган бўлиб, унда ишга тушганда бошлаб хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш, жорий ва мукамал таъмирлаш, электр-энергия сарфлари инобатга олинади. Эксплуатация ҳаражатлари қуйидаги формуладан аниқланади:

$$P_3 = P_{тр} + P_{кр} + P_{то} + P_B + P_{эл} \quad (8)$$

Бу ерда $P_{тр}$ – жорий таъмирлаш харажати,

$P_{кр}$ – мукамал таъмирлаш коэффициенти.

$P_{то}$ – техник хизмат курсатиш харажати,

P_B – қайта тиклаш харажатлари,

$P_{эл}$ – қувурдаги босим камайиши бўйича энергия сарфи харажатлари.

Турли қувурларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари қуйидаги жадвалда берилган:

Турли қувурларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш

2.1-жадвал

Қувур тури	Қувурларни умумий қийматининг йиллик фойзда				Хизмат муддати, йил	Капитал таъмирлаш, йил
	Жами	Капитал таъмирлаш %	%	Қайта тиклаш %		
Полиэтилен	3.2	0.3	0.3	2.6	50	20
Пўлат қувур	6.2	0.5	0.7	5	20	10
Чўян қувур	3.4	0.7	1	1.7	60	10
Асбест- цемент қувур	7.3	0.5	1.6	5.2	20	10

Ишқаланишдаги босим йўқолишига сарфланган электр энергия $P_{эл}$ қуйидагича аниқланади:

$$P_{эл} = C_{эл} (\mu + C) \quad (9)$$

Бу ерда $C_{эл}$ – янги қувур учун йиллик босим йўқолишига сарфланадиган электр энергия,

μ - доимий элект энергия сарфи коэффиценти бўлиб, қувурнинг хизмат кўрсатган йилига боғлиқ.

C – қувурдаги чанг ва бошқа чўкиндилар натижасида қувурдаги қаршилиқни ҳисобга олиш коэффиценти. Босим йўқолиши бўйича янги қувурларда элект-энергия миқдори қуйидагича аниқланади:

$$C_{эл} = \frac{36 \cdot Q_p \cdot \delta L_n}{K_c \cdot \eta} \quad (10)$$

Бу ерда, Q_p – қувурдан ўтаётган ҳисобий сув сарфи, м³/соат.

δ – 1 киловатт соат энергия баҳоси, сўм. l - қувур узунлиги, км. h – 1 км узунликдаги босим баландлигини йўқолиши (м).

K_c – қувурни мавсумий ишлашини ҳисобга олувчи коэффицент. ($K_c = 365/t_p$) агар қувур доимий ишласа $K_c = 1$ га тенг.

η - насос агрегатини ф.и.к (диаметри $d \leq 200$ мм қувур учун $\eta = 0.143$) қуйидаги жадвалда сарф харажатлар келтирилган.

Ёнғинни ўчириш учун сув сарфи меъёрлари. Ёнғинга қарши қуриладиган сув таъминоти тармоқлари кўпинча шаҳар ёки қишлоқ ичимлик-хўжалик сув таъминоти тармоқлари билан бирлаштирилган бўлади.

Банд шаҳарчасини сув билан таъминлаш тизимини лойихалаш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш тизимини ишлаб чиқишни сарф харажатлар тармоқ учун

2.2-жадвали

ПОЛИТИЛЕН				
НОМИ	ЎЛЧОВ БИРЛИГИ	МИҚДОРИ	НАРХИ	СУММАСИ
СУВ ТАЪМИНОТИ қувурлари				
60	м	2480	2450	6076000
80	м	3560	3500	12460000

100	м	4680	4870	22791600
150	м	3800	5400	20520000
200	м	1670	12600	21042000
350	м	525	15950	8373750
300	м	1460	18974	27702040
350	м	1200	29080	34896000
жами		19375		153861390
задвижка				
60	дона	150	9500	1425000
80	дона	80	11800	944000
100	дона	64	15400	985600
150	дона	8	21600	172800
200	дона	10	27500	275000
350	дона	15	38600	579000
300	дона	8	45800	366400
350	дона	10	54800	548000
жами		345		5295800
отвод				
80	дона	62	1200	74400
100	дона	117	1500	175500
150	дона	41,75	2400	100200
200	дона	13,125	2800	36750
350	дона	36,5	3100	113150
300	дона	30	3500	105000
350	дона	484,375	2800	1356250
жами		784,75		1961250
муфта				
80	дона	40	1200	48000
100	дона	105	1500	157500
150	дона	102	2400	246000
200	дона	67	2800	189000
350	дона	205	3100	635500
300	дона	55	3500	192500
350	дона	48	2800	134400
жами		623		1602900
учлик				
80	дона	8	12800	102400
100	дона	5	16500	82500

150	дона	7	29800	208600
200	дона	6	35400	212400
350	дона	9	45800	412200
300	дона	8	63500	508000
350	дона	7	84600	592200
жами		50		2118300
тўртлик				
150	дона	1	15400	15400
200	дона	2	21600	43200
350	дона	3	27500	82500
300	дона	2	38600	77200
350	дона	2	45800	91600
жами		10		2428200
харажатлар				
Жами				167267840
Иш хаки 25%				41816960
Транспорт харажатлари 10%				16726784
Бошқа харажатлар 26%				43489638,4
Жами тўғри харажатлар				269301222,4
кўзда тутилмаган харажатлар 10%				26930122,24
жами келтирилган харажатлар				296231344,6

3. Хаёт фаолияти хавфсизлиги

Лойиҳа бўйича Банд шаҳарини сув билан таъминлаш берилган бўлиб, меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлик соғлиги ва иш қобилиятини сақлаб қолишни таъминлайдиган қонунлар акти ва уларга тегишли социал-иқтисодий, техникавий ва ташкилий тадбирлар мажмуидир.

Хавфсизлик техникаси-хавфли ишлаб чиқариш омилларнинг, яъни хавфсизлик қоидалари бузилгандаги бахтсиз ходисалар, шикастланишларни келтириб чиқарадиган омилларнинг инсонга таъсир этишнинг олдини оладиган ташкилий ва техникавий тадбирлар мажмуидир.

Республикада меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларда инсоннинг меҳнат жараёнида соғлигини сақлаш, хавфсиз иш шароитларини яратиш, турли касалликлардан сақлаш каби қонун қоидалар норма талаблари бўйича ҳужжатлар келтирилган.

Республикамизда меҳнат муҳофазаси масалалари давлат органлари назоратидадир.

"Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодекси" 1971 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинган бўлиб, 1994 йил 1 мартгача бўлган ўзгаришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда нашрда чоп этилган. Бу меҳнат кодекси бозор иқтисодиёти шароитларини

хисобга олган холда мулкчиликнинг қайси шаклидаги корхоналарда бўлишига карамай ишчи ва ходимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини химоя қилишни, уларнинг меҳнатга доир муносабатларини тартибга солади.

18 ёшга тўлмаган ўсмирлар оғир ишларда ва меҳнат шароити зарарли ёки хавфли бўлган ишларда фойдаланиш тақиқланади. Уларни медицина кўригидан ўтказилгандан кейингина ишга қабул қилинади, шунингдек ҳар йили медицина кўригидан ўтиб туришлари шарт. 18 ёшга тўлмаган ўсмирларнинг тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш тақиқланади. Уларни ишдан бўшатиш тумандаги вояга етмаганлар комиссиясининг розилиги билангина йўл қўйилади.

Сув билан таъминлаш, ер қазиш, тош териш, бетон ишлари, монтаж қилиш, пардозлаш, том ёпиш ва бошқа қурилиш жараёнларида меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш энг аввало начальникларга юклатилади. Меҳнат ҳавфсизлиги бўйича аввало қонун қоидалар ишлаб чиқилиб, ҳар бир станция ишчиларига унга риоя қилиш тўғрисида имзо қўйдиради. Сув тармоқлари бўйича меҳнат ҳавфсизлигини таъминлашда режа бўлиши керак.

Қудуқ билан ишлашда камида 3 та кишидан иборат бўлиши керак. Қудуқга тушиш фақат бир кишига рухсат этилади. У кишининг ўзи билан махсус белбоғи, газоанализатор ва албатта махсус лампаси бўлиши керак.

Насос станциялари ўчгандагина сув келувчи қудуқларда ишлаш мумкин. Уларнинг двигатели ва моторлари фақат шундагина таъмирланади.

Беркитиш ускуналарини таъмирлаш фақат тармоқдан сув охиргача бўшатишгандагина рухсат этилади.

Қувурларни монтаж қилиш ишлари пайвандланганидан сўнг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Пайванлаш ҳам оғир иш саналиб 18 ёшгача рухсат этилмайди. Пайвандлашда керакли химояланиш воситалари.

1. Ҳимоя пойафзали

2. Қўлқоп
3. Махсус кўзойнак
4. Шлем ва маска кийиб бажарилади

Иш бошлашдан олдин аппарат корпуси ва рубильник ерга уланганлигини текшириш зарур.

Агар аппаратда кучланиш бўлса уни дарҳол электр тармоғидан узиб қўйиш шарт. Пайвандлаш жойида сув ва хўл латта бўлиши зарур.

Траншея Қазииш ишларидаги хавфсизлик унга ўтиб бўлмас тўсиқлар билан ўраб қўйилади ва бу ўралган ҳудудлар тунда махсус ёритиш лампалари билан ёритилиб қўйилади. Шунингдек меҳнат шароити ҳам бу ерда яхшиланиши лозим. Траншея қазиишда асосан катта жойларни махсус машина қазийди.


Юк кўтариш-ташиш машинасининг сим ёки қурилмаларининг сим арқонни мустаҳкамлигини текшириш талаб қилинади.

Траншея ўлчамлари ер устида барча бурчаклар ва ҳарактерли нуқталарга белги ўрнатилиши билан аниқланади. Траншеяларнинг учларини маҳкамлаш қизил чизиқдан бошланади.

Қувурларни қўйиш ишлари траншеяни пастки қимидан бошланади.

Гидравлик текширув махсус мастер ёрдамида амалга оширилади. Шу билан бирга ишчилар зағлушка отиб юбормаслиги ва ярадор бўлмасликлари учун хавфсиз зонада туришлари керак.

Ишни бошлашдан олдин қудуқ ва камера размерлари келтирилган сув тармоқлари схемалари бўлиши керак.



Ёнфин хавфсизлиги деб объектнинг шундай ҳолатига айтиладики, бунда ёнфиннинг келиб чиқишига йул қўймайди, ёнфин пайдо бўлган тақдирда зарарли омилларни кишиларга таъсир қилиши йул қўйилмайди ҳамда моддий бойликлар сақланиб қолади.

Республикада меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларда инсоннинг меҳнат жараёнида соғлигини сақлаш, хавфсиз иш шароитларини яратиш, турли касалликлардан сақлаш каби қонун қоидалар норма талаблари бўйича ҳужжатлар келтирилган.

Ёнфинни профессионал ўт ўчирувчилар келгунча бирламчи (энг аввал қўлланиладиган) ўт ўчирадиган техникавий воситалардан фойдаланилади.

Уларга

ОП-5 , ОПХ-10 химиявий кўпик ёрдамида ўчирадиган ўт ўчиргич,

ОВП-5 ҳаво кўпикли ўт ўчиргич,

ОУ-2 карбонат кислотали ўт ўчиргич,

ОУБ-3; ОУБ-7 карбонат кислота бром этилли ўт ўчиргичлар киради.

ОПХ-10 ўт ўчиргич химиявий кўпикли турларига киради. У ишкорнинг сувдаги эритмаси солинган пулат корпусдан (1) ва кислота арашмаси солинган полиэтилен (ёки шиша) ситакон (2) дан иборат. Ўт ўчиргични ишга тушириш учун бир кул билан унинг дастаси (3) дан ушланади ва бошқа кул билан дасти (4) юқорига 180 градусга бурилади. Бунда клапон (8) очилади. Шундан сунг ўт ўчиргичнинг туби юқорига ўчирилади ва пургагичи(7) аланга томонга

йуналтирилади. Бунда сола кислота билан узаро таъсирлашиб куп микдорда карбонат ангидрид гази хосил бўлади. Бу газ ўт ўчиргич ичида моддаларни купиклантиради. Бу ўт ўчиргич 1 мин вақт ичида 55 л купикни 6,8 масофада чиқариб ташлайди. Ўт ўчиргични қабул қилиб олиш вақтида унинг корпуси 20 Кш К / см квадрат босим билан 1 мин давомида гидравлик синовдан ўтказилади. Кейинчалик уларнинг 25% ни қисми 1 йил, 50%-2 йил ишлатилгандан сунг синалади. 3 йил ишлатилгандан сунг уларни хаммаси синалади. Ўт ўчиргичларнинг зарядларини хоссаларини 5,6 йилгача ўзгартирмайди. Шу сабабли уларни корпуслари синалгандан сунг хам зарядларидан фойдаланилади.

- тошқиндан ва сув босишидан сақловчи муҳандислик муҳофаза иншоотлари;

- сув омборини таги ва унинг қирғоқлари доирасида санитар тайёргарлик ишлари;

- сув сақлаш иншоотлари ва сув омборидаги сувнинг меъёрий сифатини таъминлаш буйича тадбирлар хамда қирғоққа яқин ҳудудларнинг санитарлик ҳолати;

- балиқ муҳофазаси ва балиқ ўтказиш иншоотлари хамда балиқ захираларини сақлаш буйича тадбирлар;

- тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш тадбирлари сув омборини хайвонот ва усимлик дунёсига салбий таъсирини олдини олиш тадбирлари.

Тупроқли иншоотларини кутариш учун тупроқ материаллари қонлари, қоидага кура сув босиш доирасига жойлаштирилади. Акс ҳолда, қурилиш тугаллангунга қадар лойихада кузда тутилган рекультивация ишларининг тула мажмуини бажариш керак бўлади.

Ишларни амалга оширишда РД 118.0027714.24-93 талабларини ва бошқа амалдаги атроф муҳитни сақлаш соҳасидаги қонунларни сўзсиз бажарилиши зарур.

Фавкулудда вазият (ФВ) — маълум худудда юз берган фалокат, халокат ва бошка турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий мухитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавкулудда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, захарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўътадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секинаста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавкулудда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йукотишлар миқдорига қараб) кура 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал фавкулудца вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект худуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавкулудда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. **Маҳаллий тавсифдаги**

фавқулдда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулдда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдори ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги фавқулдда вазият дейилганда — фавқулдда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган,

Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда халқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон давлати учун, балки унга чегарадош бўлган

Фавқулдда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра):

- 1 Табиий тусдаги ФВ;
- 2 Техноген тусдаги ФВ;
- 3 Экологик тусдаги ФВларга бўлинади.

Табиий тусдаги фавқулдда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ҳодисалар киради:

1) геологик хавфли ҳодисалар: zilzilalar, er kuchiшлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар;

2) гидрометеорологик хавфли ҳодисалар: сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ҳодисалар;

3) Фавқулдда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар:

Техноген тусдаги фавқулдда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

- 1) *Транспортлардаги авариялар ва*
- 2) *Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:*
- 3) *Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:*
- 4) *Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар:*
- 5) *Био ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:*
- 6) *Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:*

4. Экология ва атроф мухит муҳофазаси .

Лойиҳа қилинаётган “Банд” шаҳарчасининг қурилишининг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш ва экологик таҳлил қилиш.

Лойиҳа қилинаётган саноат корхонаси қурилишининг атроф-мухитга таъсирини баҳолашда қуйидагиларни ўрганиб чиқиш ва бажариш талаб этилади:

1. Лойиҳа қилинаётган саноат корхонаси қуриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иқлим шароитлари;
2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;
3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;
4. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;
5. Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;
6. Саноат корхонаси атроф-мухитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чиқиндилар) баҳолаш;

7. Саноат корхонаси ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;

8. Саноат корхонаси атроф-муҳитга таъсир этиш характери;

9. Саноат корхонаси атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар;

10. Саноат корхонаси қурилишидан сўнг ҳудуднинг экологик ҳолатини олдиндан таҳлил қилиш.

Ёғингарчилик ўртача бир йиллик миқдори 200 – 220 мм ни ташқил қилади. Шамолнинг эсиш тезлиги 2,6 м/сек.

1. *Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:* халокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазилган чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун ҳавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2. *Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:* Бет

Ҳаво муҳитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига ҳавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали худудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқавалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг захарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар қил захарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстеремал юқори даражада ифлосланиши;

Бинолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг емирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ буйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

а) ижтимоий сиёсий тавсифдаги ФВ;

б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

4.1. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

Лойиҳа қилинаётган объект жойлашадиган район аҳоли истиқомат қиладиган худудга ихтисослаштирилган.

Қурилиш майдонига яқин корхоналар машиналарни таъмирлаш устахонаси

Бу корхоналардан атроф-муҳитга куйидаги ифлосланувчи моддалар ва чиқиндилар ташланади: сув иситишда ҳосил бўладиган бўғлар, тутун ва ҳар қил чиқиндилар.

Ундан ташқари тупроқ эрозияси, кимёвий ва минерал уғитлар ишлатилиши таъсирида ернинг кимёвий ифлосланиши: талаб даражасида.

Автомобил транспорти воситаларидан қўйидаги ёқилғи қолдиқ моддалари атмосферага ташланади: қозондан қолган қуйқа, қулдан ташқари нефт маҳсулотларидан чиқувчи карбонат газлари ва углеводородлар.

4.2.Худуднинг ўсимлик ва хайвонот дунёси,аҳоли саломатлиги;

Ернинг юқори унумдор тупроқ қисми шўрланмаган, қучли еррозия кузатилмаган.

Қўп йиллик ўсимликлардан мевали дарахтлар, узум, маданий манзарали дарахтлар – арча, қайин, тут, чинор ва терак.

Қурилиш райони аҳолиси саломатлиги соғлиқни сақлаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофиқ республикамизда учрайдиган кўпчилик касалликлар бўйича фоиз ҳисобида вилоят ва республикадаги кўрсаткичга нисбатан анча паст, лекин баъзи бир касалликлар грипп ва ошқозон ичак бўйича юқори фоизга эга. Сабаби ер ости сизат сувларини минерал тузларни бўлиши.

4.3.Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

Лойиҳа килинаётган объект қуриладиган жойнинг физико-географик ва иқлим шароитлари, тупроғи, ер остки ва ер устки сув хавзалари, ўсимлик ва хайвонот дунёси, мавжуд таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилди. Умуман олганда худуднинг мавжуд экологик ҳолати кониқарли, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган манбалар.

Фойдаланишга олинадиган сувнинг миқдорлари бу ердаги истеъмолчилар сони

ва санитар асбоблари билан жихозланиш даражасига боғлиқ ва унинг меъёрий миқдорлари Ичимлик суви таъмирлаш даврида “Сувоқова” шаҳар сув таъминоти тармоғидан келтирилади. Қурилиш тугагач бу бино ҳам шу тармоқка уланади.

Бирор янги объектни лойиҳалашда ёки эски объектни қайта таклашда табиатни муҳофаза қилиш масаласи, уни ўраб турган муҳитга саноат корхоналарининг қишлоқ хўжаликнинг, транспорт ва камунал хўжаликлари, қишлоқ ва шаҳарларга кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириш ва иложи борича йўқотиш кўзда тутилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий мақсади, табиий бойликлардан тежаб тергаб фойдаланишда, уларни асрашдан иборатдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ҳалқ хўжалиги режаларига қуйдаги табиатни муҳофаза қилиш вазифалари киритилади.

- а) Атмосферани муҳофаза қилиш.
- б) Ер ости ва ер усти сувларидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.
- в) Ўсимлик ва ҳайвонат дунёсидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.
- г) Ўрмон хўжалигидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.
- е) Минерал, ер ости ва фойдали қазилмалардан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.

Барча лойиҳалаштирилаётган объектлар қуйидагилар билан келишилган бўлиши керак.

1. Вилоят ёки жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлиги билан.
2. Балиқ-хўжалиги захираларини ҳимоя қилиш бошқармаси билан.
3. Ҳайвонат дунёси бошқармаси билан.
4. Геологик бошқармаси билан.
5. Вилоят ёки жумҳурият сув ресурсларини муҳофаза қилиш бошқармаси билан.
6. Жумҳурият гидрометрология бошқармаси билан.

Сув ресурсларининг ифлосланишини олдини олишга қаратилган бир неча чора-тадбирлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир.

1. Сув ресурсларини сифатини пасайиб кетишдан сақлаш учун саноат корхоналарида илғор технологияни қўллаб, ифлос оқова сувлар миқдорини камайтиришга эришиш керак. Бунинг учун эса саноат корхоналарида сувдан фойдаланишнинг берк (айланма) системасига ўтиш зарур.

2. Сув ресурсларини тоза сақлашда саноат корхоналарида. Совутиш ишларини сув ёрдамида эмас, балки ҳаво ёрдамида сув амалга ошириш усулларини қўллаш зарур.

Ҳаво ёрдамида совутиш ва 60-70 % гача чучук сувни тежайди, ташландик оқова сув миқдорини кескин камайтирида.

3. Сув ресурсларини тоза сақлаб сифатини ва иқтисод қилиш мақсадида келажакда ҳар бир корхона ихтиёжи учун олинаётган чучук суви учун эмас, балки, дарё, канал сув омборларига чиқариб ташланаётган ифлос оқова сувларнинг миқдорига қараб ҳақ тўлашини жорий этиш мақсадга мофиқ бўлур эди.

4. Сув ресурсларини тоза сақлаб уларни суғоришда фойдаланишга ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

5. Атмосфера ҳавосини тоза сақлашнинг яна бир йўли бу саноат корхоналарида коммунал хўжалигида ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш яъни чиқиндисиз технологиясини ўзгартириш яъни чиқиндисиз технология жорий этишдир. Бундай технологик жараённи ўзгартириш чанг ва захарли газларни атмосферага чиқармасликка эришиш керак.

6. Атмосферани-ифлосланишидан сақлашда шаҳар ва қишлоқлар ишончли усул яшил ўсимликлар майдонини кенгайтиришдир. Чунки енгил ўсимликлар ифлос ҳавони филтирлайди, баргларида чангни ушлаб қолади.

7. Сув ресурсларини тоза сақлашда саноат корхоналарида, коммунал

хўжаликларидан чиққан ўта ифлос сувларни ер остида сақлаш усули катта аҳамиятга эга. Бунда ифлос оқова сувлар ер остида сақлаш усули сув қатламига алоқаси бўлмаган жинслар орасига юборилади. Вақт ўтиши билан улар табиий ҳолда тозаланиб, сўнгра сувга қатламига ўтиши мумкин.

ХУЛОСА

Менга берилган диплом лойиха ишини бажариш жараёнида мен ўз мутахасислигимга тегишли бўлган маълумотлар билан яқиндан танишиб чиқиб қуйидаг хулосага келдим. Сув таъминотининг вазифаси шаҳар аҳолиси ва саноат корхоналарини тинимсиз сифатли сув билан таъминлашдир, бунда истеъмол қилинадиган сув мумкин қадар арзон бўлиши, қуриладиган иншоот ва жиҳозлар содда ва бошқариш вақтида ишончли бўлиши керак.

Шу сабаб бу соҳада килинажак ишлар кўлами ҳам кенг. Сувни кунлик меъёрий микдорини аниқлаш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш йўлларини қидириш, мавжуд иншоотлар ишини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш,

янги-янги элементлар яратиш, сув тозалаш жараёнини ўрганиш ва мукамаллаш, табиий энергетик ресурслардан ушбу соҳада кенг фойдаланиш ва бошқа жуда кўп муаммолар ўз ечимини тутмоқда.

Ихчамгина сув тозалаш қурилмалари, қуёш энергияси билан ишловчи қурилмалар, айланма сув таъминоти тизимлари, ичимлик суви манбаларини ифлосланишини олдини олиш борасидаги тадбирлар бу борадаги дастлабки қадамлар холос.

Саноатни ривожланиши, қишлоқ хўжалигини ривожини сув таъминоти тушунчаларини йиғиб, ҳисоб-китоб усулларни мукамаллаштириб, сув таъминоти элементларини замон талабига мослаб туришга мажбур этмоқдаки – бунинг негизида мустақил фанлар вужудга келди. Жуда кўп олимлар, коллективлар меҳнатларини илмий изланишлари якуни дарсликлар, монографиялар, методик қўлланмалар, норматив(меъёрий) ҳужжатлар сифатида чоп этилган. Мукамал аҳолини тоза ичимлик сувларини тозалаш қурилмалари, қуёш энергияси билан ишловчи қурилмалар, айланма сув таъминоти тизимлари, оқова сувларни тозалаш жараёнида атроф муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш борасидаги тадбирлар бу борадаги дастлабки қадамлар холос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ш.М.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб –интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”.Тошкент “Ўзбекистон”, 2017 йил

2. Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”.Тошкент “Ўзбекистон”, 2017 йил

3. Ш.М.Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон Давлатини биргаликда барпо этамиз”.Тошкент “Ўзбекистон”, 2016 йил.

4. Т.Абдуллаев “Шаҳар ичимлик сув тармоқларини лойиҳалаш” ўқув қўлланма, ТАҚИ. 2000 йил

5. У.Т.Зокиров “Оқова сувларни оқизиш ва тозалаш“ ўқув қўлланма, ТАҚИ. 2000 йил
6. У.Т.Зокиров, Э.С.Буриев “Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш асослари” ўқув қўлланма, ТАҚИ 2010 йил
7. Ю.К.Рашидов, Ш.А.Низамова “Насос ва ҳаво узатиш станциялари”, Т.”Ёзувчи”, 2005, 90 б
8. Таблицы для гидравлического расчета канализационных сетей под редакции Н.А. Лукиных, Лукиных А.А., 1974 ,152 б
9. Абрамов Н.Н., Сомов Н.А., “Расчет водопроводных сетей” М. Стройиздат 1983.
10. Сомов Н.А ”Водопроводные системы и сооружения” М. Стройиздат 1989 год
11. ҚМҚ 2.04.03.97. “Наружные сети и сооружения” ,“Оқова сувларни оқизиш ва тозалаш”, “Ташқи тармоқлар ва иншоатлар” Тошкент., 1997 148 бет
12. ШНК 4.01.16-09й
13. ШНК 2.01.02-04.
14. Междтсандарт. ДТС12.0.230-2007.Система стандартов безопасности труда системы управления охраны труда.Общие требования.Администратор образования-2009
15. X.Azimov. Qurilishda mehnat havfsizligi o’quv qo’llanmaning birinchi qismi.
16. X.Azimov “Q.M.X” o’quv qo’llanma ikkinchi qism Toshkent 2002yil TAQI.
17. X.Azimov “Bin ova inshoatlarda yong’in xafsizligini o’quv qo’llanma uchinchi qism. Toshkent TMU nashriyoti 2005yil.
18. <http://www.textbook.ru/catalogue/book/16394.html>
19. http://normativ.su/product_info.php/products_id/10
20. <http://www.shop4.ru/goods25054835.htm>
21. <http://eup.kulichki.com/Catalog/20-400.htm>

22. <http://www.edu.uz>